

**ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИНИ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШДА ШАХС  
МУАММОСИ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК ЕЧИМЛАРИ****Турсунов Азизжон Олимжон ўғли***Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университети тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ички ишлар тизимида қабул қилинаётган ходимлар ва уларнинг фаолиятига боғлиқ бўлган психологик муаммолар келтирилган. Ички ишлар таркибий фаолиятини ўрганишда шахс муаммоси ёритилган. Келтириб ўтилган психологик муаммоларни ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** психология, ходимлар, психологик муаммо, фаолият.

**Кириш.** Ички ишлар ходимларининг фаолиятини психологик ўрганишда асосий вазифа шахс муаммосига бориб тақалади. Ўрганиш объекти – инсон, чунки ҳуқуқий нормалар унга мослаб тузилади. Айнан шу орқали биз шахс тизимидаги баъзи хусусиятларнинг муайян вазиятлардаги аҳамияти ва вазифасини таҳлил қила оламиз.

Ҳуқуқ, ҳуқуқий фаолият – ижтимоий назоратнинг асосий шакли. Инсон онги ва фаолияти тараккий этиши билан кундан-кун мураккаблашиб бораётган ижтимоий муносабатларни алоҳида жамоаларнинг урф-одатлари билан бошқариш қийинлашиб боради. Айнан ижтимоийлик эркин шахс учун белгиланган тартиб ва чегараланишларни (қонун-қоидаларни) белгилаши ҳуқуқий тартиботга зарурат туғдиради. Ҳуқуқ пайдо бўлганидан бошлаб инсонлар ўртасидаги жуда мураккаб умумижтимоий муносабатларни назорат қилади. Шу сабабли ҳам ҳуқуқ мотивлари «мамлакатда ҳақиқат ғалаба қозониши учун, ёвузлик ва қонунсизликка қарши курашиш учун, кучлилар кучсизларни сиқиб чиқармаслиги учун» тузилган меъёрий талаб, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви бўлиб, шахсни меъёрий қадриятлар тизимида ҳуқуқ билан ҳимояланган қадриятларининг шаклланиши, ижтимоий жавобгарлик ва ҳуқуқни тан олиш ҳиссининг пайдо бўлишини назарда тутди.

Ҳуқуқий маданият ва маънавият шахс хулқини назорат қилиш механизми шаклланишининг муҳим шакли саналади. Албатта, ушбу жиҳатларнинг ишчи ишлар ходимлари шахсида мужассамлашиши умумий психологик қонуниятларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Шахсни ўрганиш муаммоси билан шуғулланган илмий мактаблар ва йўналишларда қуйидаги назарий ёндашувларни учратиш мумкин:

– **биологик тарафдан** – шахснинг хулқи ва алоҳида сифатлари ирсий (туғма) шаклланади;

– **экспериментал тарафдан** – шахснинг перцептив ва билиш жараёнлари, асаб тизимининг фаолияти, ўзига хос жиҳатлари турли вазиятларда ўрганилади ва ўрни белгиланади;

– **ижтимоий тарафдан** – шахснинг шаклланишига ижтимоий муҳит таъсир этади, унинг ижтимоий ўрни, тарихий-маданий шарт-шароити жамиятнинг бир бўлаги сифатида, жамият тараққиётига таъсир этувчи омил сифатида ўрганиш имконини беради.

Шахсни яхлит (**биологик, психологик, социологик**) ўрганиш асосида С.Л.Рубинштейн таълимоти ётади. Унга мувофиқ, шахс психикасига ташқи сабаблар, ижтимоий таъриба, ички имкониятлар ўз таъсирини ўтказди. Ҳар қандай психолог вазиятни талқин қилишда шахснинг ички имкониятларини ташқи таъсирларга бевосита боғлиқ ҳолда ўрганиши керак.

Шахсни фаолиятда яхлит ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотларда биз шахс сифатларини ўрганишдан кўра кўпроқ уни яхлит тавсифлаш ҳолатига дуч келамиз. Шахсни яхлит тавсифлашда эътибор нафақат унинг алоҳида хусусиятларига, балки мотивлари, қизиқиш ва эҳтиёжлари, кадриятларининг йўналишларини ўрганишга қаратилади. Бундай тадқиқотларни олиб боришнинг ўзига яраша мураккаб тарафи бўлиб, бундай ёндашув учун шахс ва фаолиятга биргаликдаги таъриф-тавсиф ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Шахсни муайян фаолият учун психодиагностика қилишда қандай кўрсаткичларга эътибор қаратиш муҳим, деган саволга жавобан касбларни бир неча турларга ажратган ҳолда тавсифлаш зарурлиги таъкидланади.

**1-гурух** – соғлом шахс бемалол муваффақиятга эриша оладиган касблар;

**2-гурух** – ҳар қандай шахс ҳам муваффақиятга эриша олмайдиган касблар;

**3-гурух**- шахсдан белгиланган хусусият, алоҳида маҳорат ва малака талаб этадиган касблар.

Ички ишлар фаолияти 3-гурухдаги касбларга мансуб бўлиб, бу гурухдаги касблар шахс хусусиятларига қатор талаблар қўйиши билан бирга уларни махсус шакллантиришни талаб қилади.

Шахс хусусиятларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Фаолият самарадорлигига кучли таъсир этиш хусусиятига эга, шакллантириб, тарбиялаб бўлмайдиган барқарор шахсий хусусиятлар (темперамент, характер);

2. Шахснинг алоҳида ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, унда ички туртки, имкониятлар мавжуд бўлганида (ташқи муҳит таъсирларини инобатга олган ҳолда) шакллантириб, ривожлантирса бўладиган хусусиятлар;

3. Бир қатор таъсир воситалари керакли натижани берадиган, касбий фаолият шарт-шароитига мувофиқлаштира бўладиган хусусиятлар (ақлий салоҳият, ирода, ҳиссиёт);

4. Шакллантириш ва ривожлантириш имконияти, усул ва воситалари кўп хусусиятлар (диққат, сезги, идрок, тасаввур, хаёл, нутқ ва х.).

Ички ишлар ходимларининг алоҳида ўзига хос хусусиятлари Е.Ю. Агзамованинг тадқиқотида қуйидагича изоҳланади: невротизм, журъатсизлик, психотизм,

назокатлилик, депрессия, рухий барқарорлик каби кўрсаткичларнинг пастлиги шахснинг реал вазиятни аниқ баҳолаш имкониятини кучайтиради.

Умумий фаоллик, эстетик дид, ўзини баҳолаш, экстра-интроверсия, ички локус назорати, невротизм, сенситивлик, юқори даражада шакланган виждонлилик, муваффақиятга эришиш мотивациясининг юқорилиги фаолиятнинг самарадорлигини кафолатлайди.

Шунингдек, муаллиф ички ишлар ходимлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак деб ҳисоблайди:

- 1) юқори даражадаги чидамлилик, ишчанлик;
- 2) психик реакцияларнинг юқори даражада мослашувчанлиги, ҳиссий турғунлик, вазиятни аниқ баҳолай олиш;
- 3) ўзига ва атрофдагиларга, у билан ўзаро муносабатларга киришувчи шахсларга нисбатан талабчанлик;
- 4) тартибли, озода, масъулиятли бўлиш;
- 5) ўзини кучли назорат қилиш, нохуш таъсир ва вазиятларга мослашув имкониятининг юқорилиги, узоқ муддат бардошли бўлиш;
- 6) инсонийлик қадр-қимматини тасдиқлашга интилиш, ўзини назорат қилиш орқали виждонли бўлиш;
- 7) серғайрат, шижоатли, қўйилган мақсадга интилувчан, таваккалга мойил;
- 8) доим ҳамкорликка тайёр, одамларга эътиборли ҳамда сезгир;
- 9) экстра-интровертлик кўрсаткичларининг амбивалентлиги, шахслараро муносабатларда, хизмат жараёнидаги фаолиятда, оилада интернал кўринишда бўлиши;
- 10) муваффақиятга эришиш мотивацияси мағлубиятдан қочиш мотивациясидан устун бўлиши зарур.

Ҳар қандай касбий фаолиятнинг самарадорлиги шахснинг алоҳида ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари касб талабига мувофиқ келишини тақозо қилади.

**Темперамент хусусиятлари** – мулоқотга киришиш, киришимлилик, одамлар билан биргаликда ташкил этиладиган «одам-одам» касб йўналишларидаги фаолият турлари учун экстра-интроверсия каби темпераментал сифатларнинг ўрни муҳим саналади .

**Интроверт типига** мансуб шахслар ташқи таъсирлар кам учрайдиган фаолиятда яхши натижаларга эришсалар, экстравертлар унинг акси бўлиб, мотивацион фаоллик (мулоқот), серҳаракат, бир ерда туриб қолмайдиган фаолиятда ўзларини тўлиқ намоён қила оладилар. Маълумки, интровертларга бир хиллик хос бўлиб, диққат-эътибор талаб қилинадиган, аниқликка эҳтиёж мавжуд бўлган вазифаларни самарали бажарадилар. Кучли зўриқиш, тезкорлик талаб қилинадиган фаолиятда уларда хавотирланиш, ташвишланиш хусусиятларининг кўрсаткичи ортиб кетади бу ўз навбатида, фаолиятга салбий таъсир кўрсатади.

Экстраверт типдаги шахслар кучли зўриқиш, тезкорлик, ўта фаоллик талаб қилинадиган йўналишларда муваффақият қозонишлари осон бўлиб, майда-чуйда нарсаларга унчалик эътибор қаратмай, тезкорликка йўналган бўладилар. Шу ўринда уларнинг кўпчилик ичида таъсирга берилувчанлик ва конформлик хусусиятларини намоён қилишларини назардан қочирмаслик керак. Чет эл ва рус олимларининг тадқиқотларида касбий фаолиятнинг муваффақиятли кечишида (самарали таълим-тарбия, касбий малака, кўникмаларни эгаллаш кўрсаткичлари) шахснинг характер хусусиятларини ўрни аҳамиятга молик эканлиги таъкидланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Агзамова Е.Ю. Индивидуально-психологические особенности и мотивационные основы деятельности сотрудников ОВД: Науч. мет. пособие. Т.: Академия МВД РУз, 1999. – С. 26 – 28
2. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. М.: Феникс, 1996. – 512 с.
3. Ковалёв В.И. Мотивы поведения в деятельности. – М: Наука, 1989. – 334 с.
4. Кулагин Б.В. Основы профессиональной психодиагностики. – М.: Медицина, 1984. – 216 с.
5. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность // Избранные психологические труды. В 2-х т. Т.1. – М.: Педагогика, 1983. – 392 с.
6. Никифоров Г.С., Боровикова С.А., Водолазская Т.П., Дмитриева М.А., Корнеева Л.Н. Психологическое обеспечение профессиональной деятельности. – СПб.: СПбГУ, 1991. – 1т52 с
7. Шадриков В.Д. Проблема системогенеза профессиональной деятельности. – М.: Наука, 1982. – 185 с.